

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

892 Аҳолининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёргарлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

[Кўчирма]

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 21 август,
650-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 21 августдаги 650-сон қарорига
З-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 7 октябрдаги 427-сон қарори билан тасдиқланган Аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«8. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаган аҳолини тайёрлаш маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўқув-маслаҳат пунктларида фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш масалалари бўйича суҳбатлар ўтказиш, лекциялар ўқиш, ўқув фильмлари кўриш, яшаш жойида ўқув машқлари ва машғулотларга жалб этиш, шунингдек қўлланмалар ва эслатмаларни мустақил ўрганиш, радиоэшиттиришларни тинглаш, теледастурларни кўриш орқали амалга оширилади.».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 24 августдаги 242-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2011 йил, 34-35-сон, 350-модда) 3-иловасига қуйидаги мазмунда бўлим қўшилсин:

«Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди

Маҳалла фуқаролар йиғинлари даражасида фуқаро муҳофазаси ва фавқулодда вазиятларга тайёргарлик соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳамда бошқа ташкилотларга кўмаклашиш.

Маҳалла фуқаролар йиғинининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаган аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш тадбирларига аҳолини ихтиёрий равишда жалб этиш.».